



ҚАСДДАН БАДАНГА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.М. Кушбаков

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
доценти, ю.ф.б.ф.д.(PhD), доцент, подполковник

В.О. Эгамбердиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15614125>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2025

Accepted: 05th June 2025

Published: 07th June 2025

KEYWORDS

ички ишлар органлари,
қасддан баданга оғир
шикаст етказиш, жиноят,
профилактика, хорижий
тажриба, таҳлил, қарши
курашиш, фаолият.

ABSTRACT

Ушбу мақолада қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси бўйича фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ушбу турдаги жиноятни профилактикасининг асосий йўналишлари, хусусияти, ушбу жиноятни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлили ёритилган.

Ўзбекистон истиқлол йилларида соғлиққа қарши жиноятлар бўйича шахсларнинг Конститутсияда белгиланган ҳуқуқини тўлиқ тامينлайдиган миллий тизим босқичма-босқич шаклланиб ва такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу тизим ўзининг маънавий, назарий, институционал ва ҳуқуқий асосларига эга ҳамда уларни такомиллаштириш борасида изчил тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ушбу тизимнинг самарали ишлашини тартибга соладиган ҳамда ҳар томонлама демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганлиги юқорида маърузаларда алоҳида эътироф этилди.

Маъруза мавзусидан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида қайд этиш керакки, ички ишлар органлари томонидан соғлиққа қарши жиноятлардан ҳимояланишини тامينлаш жамиятда:

биринчидан, соғлиққа қарши жиноятлардан ҳимояланишини тامينлаш шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш; иккинчидан, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш; учинчидан, соғлиққа қарши жиноятлардан ҳимояланишини тامينлаш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи, қонун ҳужжатларини тартибга солишга хизмат қилувчи қонун ҳужжатларининг таълабларига бевосита риоя этишни тақазо этади.

Профилактика хизматлари томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитларини ўрганишга боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари қанчалик чуқур ўрганилса, уни бартараф этиш ҳам шунчалик самарадор бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқбузарлик объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро муносабат профилактика тизимида бир қатор муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Баъзи олимлар мазкур муносабатни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъектлари ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар ўртасида вужудга келади ва муносабатга киришилади деб тушунишади. Айрим олимлар эса, ушбу муносабатни кенг маънода тушуниб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш объектини нафақат ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар, балки ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва оддий фуқаролар ҳам ташкил этади деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақатгина ҳуқуқбузарлик содир этишни эмас, шунингдек жабрланишнинг олдини олишни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шу боис ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг объектини кенг маънода тушунувчиларнинг фикрини ўринли деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бошқа бир гуруҳ олимлар субъект ва объект орасидаги ўзаро боғлиқликнинг кенг маъносини субъектнинг объектга нисбатан таъсири юзасидан кўриб чиқишни ва бу ёндашув объект сифатида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари, ҳуқуқбузарликларни вужудга келтирувчи салбий омиллар ҳамда ҳуқуқбузарнинг шахси ва хулқига таъсир этмоқликни тушунишни келтириб чиқаради деб таъкидлайдилар.

Бир томондан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикасининг сабаб ва шароитлари, иккинчи томондан шахсга нисбатан таъсир чораларини қўллаш ўзаро боғлиқликни тақозо этади ва бунда асосий эътибор шахсга қаратилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг объектлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) шахсда жамиятга зид йўналишни шакллантирувчи, воқеа ва жараёнлар;
- 2) ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари, криминоген вазиятлар ҳамда бошқа детерминантлар.

Умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятининг объекти бўлиб, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг бўлишини тақозо қилувчи ва уни озиқлантирувчи ижтимоий муносабатлар, асосан салбий хусусиятга эга бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар ҳисобланади¹².

Демак, *умумий тартибда* ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш деганда, жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўладиган турли воқеа, ҳодиса, жараён ва ҳолатларнинг олдини олиш, чеклаш, таъсир этиш ҳамда кучсизлантиришга қаратилган профилактик фаолият тушунилади. Умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг туб мазмун ва моҳияти бу аҳолини давлатда ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, кенг миқёсда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолияти ташкил этади.

Профилактика хизматлари томонидан маъмурий ҳудудда *умумий профилактик фаолиятни ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:*

- ҳудудда жойлашган назоратсиз қолган бинолар, ташландиқ объектлар;
- спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар;
- муқаддам судланган шахслар тўпланиши мумкин бўлган жойлар;¹
- дам олиш масканлари, дискотеклар, бар, меҳмонхона ва умумий овқатланиш жойлари;

¹ Криминалогия дарслик. З.С. Зарипов Тошкент -2009

- диний-экстремистик мазмундаги адабиёт, варақалар ҳамда маънавиятга зид бўлган аудио, видео материалларининг сотилиши, тарқалиши мумкин бўлган жойлар;
- ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар тўпланадиган жамоат жойларини аниқлаш ва ҳ.к.

Профилактика хизматларининг умумий тартибдаги профилактик фаолиятини ташкил этишда самарали ҳамкорликни амалга ошириш лозим. Бу эса, *биринчидан*, бу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларининг амалдаги қонунларда қанчалик аниқ белгиланганига, *иккинчидан*, уларнинг бу йўналишдаги фаолияти учун ҳуқуқий асос қанчалик даражада ишлаб чиқилганига, *учинчидан*, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми қандай даражадалигига, *тўртинчидан*, ушбу ҳамкорликни ташкил этувчи кадрларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ².

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ички ишлар органларига жамиятта қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг умумий профилактикасини, жамоат тартиби ва жамоат ҳавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш мажбурияти юклатилгани, шунингдек мазкур мажбуриятларни бажаришда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари¹² қонуний манфаатларни ҳамда давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш шартлиги, ушбу фаолиятнинг мураккаб ва узликсиз жараёнлиги ўзига хос ёндашув ва эътиборни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг профилактика хизмати бўлинмалари фаолияти бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ 2896-сонли қарорида “Ички ишлар органлари таянч пунктулари тўғрисида”ги Низоми 4-бобида Профилактика инспекторларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги келтириб ўтилган.

Унга кўра:

- фуқаролар ва мансабдор шахслардан қонунчиликка риоя етиш ва ҳайриқонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;
- ўз ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг шахсини тастиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнларда тақиқланган буюмлар ва воситалар мавжуд деб гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўриқдан ўтказиш ва уларни ашёларини кўздан кечириш, ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита предмети бўлган буюм ва ҳужжатлар аниқланган тақдирда, қонунчиликка назарда тутилган тартибда уларни олиб қўйиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ ўзларига таалуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;
- ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва хабарларни ўрнатилган тартибда текшириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга кириш, улардан тегишли маълумотларни сўраш ва олиш;
- ўз иш юритишда бўлган ишлар ва материаллар бўйича ҳолатларни аниқлаш мақсадида зарур тушунтиришлар, малумотлар ва ҳужжатларни олиш учун фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириш;
- фуқароларни, уларни розилиги билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш;
- қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва тартибда қурол ва махсус воситаларни қўллаш. Шунингдек профилактика инспектори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин¹⁴.

² Ички ишлар органлари профилактик фаолияти- маърузалар курси. Тошкент -2018

Профилактика инспекторинг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактик фаолиятида мамурий ҳуқуқбузарлик ва мамурий жавобгарликка доир нормалар уларнинг мазмун ва мохияти тўғрисидаги назарий билимларга ҳамда мазкур нормаларни амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш лозим. Ўрганилаётган нормаларга тўхталишдан олдин, ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик ва жиноят каби тушунчаларга аниқлик киритиш зарур. Чунки, ҳар бир профилактика инспектори содир этилган қилмишнинг маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик эканлигини ҳамда содир этилган қилмишга нисбатан ³жавобгарлик муқаррарлигини таъминлай олиш зарур. Олиб борилган кузатишлар ҳамда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалётда “ҳуқуқбузарлик” тушунчасини турлича талқин қилиш учраб турибди. Амалий органларда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг аксарияти ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий ҳуқуқбузарликни назарда тутишади.

Демак, ҳар қандай қонунга хилоф, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий қонунчиликка асосан “Маъмурий ҳуқуқбузарлик” деб ҳамда жиноий қонунчиликка асосан “Жиноят” деб эътироф этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят бўлмасин, уларнинг содир этилиши натижасида қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказилади ва ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарликни келтириб чиқаради.⁴

Ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларида, жиноятнинг маъмурий ҳуқуқбузарликдан икки турдаги моддий ва фармал белгиларига ажратиш мумкинлиги тўғрисидаги қарашлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Уларнинг фикрига кўра **моддий белги** бу содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфсизлик даражаси бўлиб, унга кўра ҳуқуқбузарликнинг жиноий, маъмурий ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга бўлиш мумкин¹⁷.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қасддан баданга оғир шикаст етказиш одатда қасд оқибатида содир этилади. Шунга кўра, ҳар бир профилактика инспекторлари қилмишнинг қасддан содир этилганлигини эътиборга олиши лозим. Чунки, профилактика инспектори содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда ҳуқуқбузарликнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигини аниқлаши муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ қилмишда қасднинг мавжудлиги, қилмишга нисбатан оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради, аксинча эҳтиётсизлик натижасида содир этилган қилмишга нисбатан қонунда белгиланган енгилроқ жазо назарда тутилган.

Бунинг учун профилактика инспекторлари содир этилган қилмишда қасддан содир этилганлик белгиларини фарқлаши лозим.

Бундан ташқари профилактика инспекторлари томонидан соғлиққа қарши жиноятларни содир этган шахснинг ёшига доир маълумотларни аниқлаши, ушбу ишни таалуқлиги бўйича юбориш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, профилактика инспектори маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14 моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача қилиб белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятининг профилактикаси профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолиятининг ажтралмас бир қисми бўлиб хизмат қилади. Чунки, бизнинг қонунчилигимизда шахснинг ҳаёти ва соғлиги биринчи ўринга қўйилади.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2020. – №20. – 221-м.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар прафилактикаси тўғрисида»ги 2014-йил 14-майдаги қонуни